

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 123 (1643)
22
ИЮНЬ
ЧОРШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ДИПЛОМ ОЛДИ



ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ СССР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИ
ҚАТНАШЧИСИ ҚИЛИБ ТАСДИҚЛАШ ВА МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкаси Кенгашининг қарори билан **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
Пахта етиштиришни кўпайтиришда катта ютуқларга эришгани ва давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаргани учун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси 1960 йилда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасининг қатнашчиси қилиб тасдиқланган ҳамда биринчи даражали Диплом билан мукофотлансин.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкаси кенгаши қарорининг раиси **К. ПЕТУХОВ.**

Бойликларимизни тежаб сарфлайлик

Ўз олдига улут мақсадини қўйган жонажон Коммунистик партиямиз совет кишиларнинг меҳнатда янгилик-янги қаҳрамонликларга руҳлантиришда. Меҳнаткашлар фаровонлигини тинмай ошириб бериш ўз фаолиятининг олий қонуни деб билган партиямиз КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошириб, бу соҳада гоят катта тадбирларни белгиламоқда. СССР Олий Совети V сессиясининг қарорлари ана шу ота-оналар ҳамжумида янги, ёрқин далилидир.

Шу йилнинг ўзидеёқ мамлакатимиздаги барча ишчи ва хизматчилар иш ҳақи камайитирилмагани ҳолда қисқартирилган иш кунига ўтказилди. Шу билан бирга меҳнаткашлардан олинган солиқларни бекор қилиш амалга оширилди. Солиқлар батамом бекор қилиниши натижа-сида ишчи ва хизматчиларнинг даромадлари 1966 йилга бориб йилга тахминан 74 миллиард сўм миқдорига кўпаяди.

Ҳўш, давлатимиз тарих мисли кўрматган бунчалик катта тадбирларни нималарга асосланиб амалга оширмоқда? Социалистик тузумнинг гоят катта афзалликлари ага эканлигини меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини тинмай ошириб бериш учун кенг имкониятларни очиб бермоқда. Бизда социалистик хўжалик жамғармалари давлатимиз даромадларининг асосий манбаидир. Шу сабабли социалистик экономикаимизни зўр бериб ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, хомашё ва ёрдамчи материалларни тежаб-тергаб сарфлаш жуда муҳимдир.

Биз ўз бойликларимизни қанчалик тежаб-тергаб сарфласак, социалистик Ватанимизнинг куч-қудрати шунчалик мустаҳкамланади, меҳнаткашлар фаровонлигини тагин ҳам ошириш учун шунчалик кўп имкониятлар вужудга келади. Обастимиздаги илгोर саноат корхоналарининг коллективлари хўжаликдаги барча резервларни аниқлаб, улардан ишнинг кўзини билдиб фойдаланмоқдалар. Бу соҳада Чирчиқ шаҳар ёшларининг ташаббуси диққатга сазовордир. Шаҳардаги электротехник комбинати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда кимё машинасозлиги заводларининг ёшлари етти йиллик фондларига кўпроқ жамғармалар тўплаш ташаббуси билан чиқдилар. Шаҳар партия ва комсомол комитетлари ёшларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлади ва уни барча корхона-

ларда кенг оммалаштириш тадбирларини белгилди. Шаҳар ёшлари хомашё ва ёрдамчи материалларни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида ҳозиргача 6 миллион сўмликдан ортиқ давлат маблағини тежалар. 1000 тоннадан кўпроқ металл-лом йиғдилар. Виргина қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ёшлари рационализаторлик таклифларини амалга ошириш, электр қуввати, хомашё ва ёрдамчи материалларни тежаб йўли билан етти йиллик фондга икки миллион сўмликдан ортиқ жамғарма тўпладилар.

Лекин шунинг ҳам айбни ўтиш керакки, айрим корхоналарда, хусусан машинасозлик заводларида халқ бойлиги—рангиди ва қора металллар кўпинча керагидан ортиқча сарфлаб юборилмоқда. Жумладан, «Ўзбексельмаш» заводи қуёв цехида технология режимида қатъий амал қилмаслик натижасида кўпала металл бракка чиқмоқда. Машина деталларини унификациялаш ва стандартлаштиришга етарли эътибор берилмаётганини сабабли ҳам керагидан ортиқча материал сарфланмоқда.

Бу ерда шунинг алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, қурилиш ташкилотларида халқ бойлиги айниқса кўп исроф қилинмоқда. Қатъий технология режими асосида иш олиб борилмаганлиги сабабли тикланган ва ҳатто сувоқдан чиқарилган бияо деворлари кейинчалик канализация, водопровод ва электр линиялари ўтказиш учун

қайта тешилмоқда. Бунинг учун давлатнинг жуда кўп материал ва маблағ ортиқча сарфланмоқда 159 ва 160-қўрилиш трестларида худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Совет кишилари социалистик Ватанимизнинг ҳақиқий эгаларидир. Улар ўзлари учун, ўз оилалари учун, ўзларининг севики Ватани учун ишлаётганликларини жуда яхши биладилар. Экономикаимизнинг барча тармоқларида янги-янги ватанпарварлик ташаббусларининг вужудга келаятганлигига асосий сабаб ҳам ана шунда. Кишиларимиз етти йилликнинг улутвор қурилишларида Ватан қудратини янада ошириш учун зўр фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Кам маблағ ва кам меҳнат сарф қилиш ҳолда, етти йиллик ташаббусларини мундарижан илгари бажариш учун бошланган кураш тобора авж олмақда. Омманинг ана шу илодий ташаббусига бошчилик қилиш, уларнинг куч ва гайратини резервлардан янада унумлироқ фойдаланишга сафарбар этиш—партия ва совет ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Тома-тома кўл бўлур, дейди халқимиз. Граммлардан килограммлар, килограммлардан тонналар, тийинлардан сўмлар, сўмлардан аса миллионлар ҳосил бўлади. Хўжаликнинг барча соҳаларида иқтисодий тежаб режими-ни амалга ошириш учун курашайлик, грамм ва тийинларнинг қадрига етайлик!



Давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйдаги хўжаликлар област Хўмат тахтасига ёзилдилар:

Оқўргон районидagi Ворошилов номи колхоз (раиси С. Бўриев) партия ташкилотининг секретари **А. Туратов**, комсомол ташкилотининг секретари **Т. Мирзахмедов** ўртоқлар). Бу колхоз давлатга 9850 килограмм пилла сотиб, социалистик мажбуриятини 101,5 процент бажарди.

Оқўргон районидagi Карл Маркс номи колхоз (раиси С. А. Ян, партия ташкилотининг секретари **Р. Бобомуродов**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Алибоев** ўртоқлар). Бу колхоз давлатга 6870 килограмм пилла топшириб, социалистик мажбуриятини 105,5 процент бажарди.

Бенобод районидagi 1-«Далварзин» совхоз (директори **А. Мирдодоев**, партия ташкилотининг секретари **Х. Юсупов**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Ресулов**, ишчилар комитетининг раиси **П. Усмонов** ўртоқлар). Бу совхоз 4431 килограмм пилла топшириб, социалистик мажбуриятини 108 процент бажарди.

Совет-Ҳиндистон дўст-лиги мустаҳкамлансин!

Ҳиндистон Президенти
Ражендра ПРАСАДни
тантанали кутиб олиш

Узоқ Ҳиндистон кейинги йилларда совет кишиларига яқин бўлиб қолди. Улар Ҳиндистоннинг қадимий маданияти, экономикасининг ривожланиши билан, мустақиллик ва эркинликни ўз қўлига олган ва мамлакатнинг ҳаёти билан тобора кўпроқ танишмоқдалар. Ҳиндистонликлар ҳам СССРдаги хўжалик ва маданий қурилишга тобора кўпроқ қизиқмоқдалар. Ҳар иккала мамлакат ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилди, бу муносабатларнинг томирлари узоқ асрларга бориб тақалади. Жаҳоҳарал Неру, Н. С. Хрушчев ва бошқа давлат арбобларининг, парламент аъзолари, олимлар, артистлар, рассомларнинг ўзаро сафарлари СССР ва Ҳиндистон халқларининг дўстлигини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Мана энди совет кишилари Ҳиндистондан келган янги азиз меҳмонни хўрсанд бўлиб табрикламоқдалар. Ҳиндистон Республикасининг Президенти Ражендра Прасад СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан, Совет Иттифоқида яхши ният визити билан келди.

Внуково аэродромига Москва меҳнаткашларининг зўлаб намоёндалари тўландилар. Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. А. Мухомедов, Е. А. Фурцев, ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. И. Органов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Министрлари соат 17 да аэродромга етиб келдилар.

Кутиб оlish учун келганлар орасида Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон, СССРдаги дипломатик вакилларнинг бошлиқлари бор эди.

Совет раҳбарлари улут ҳинд халқининг вакили—Президент Ражендра Прасад билан самимий саломлашиб кўришдилар. Болалар унга ва унинг ҳамроҳларига тулдасталар тақдим этидилар.

Ҳиндистон Президенти Р. Прасад фахрий қоровул бошлигининг рапортини қабул қилди, Ҳиндистон ва СССР давлат гимнлари янгради. Р. Прасад Л. И. Брежнев билан совет жангчилари сафи олдида ўтди. Азиз меҳмон улар билан саломлашди.

Аэродромда Л. И. Брежнев ва Р. Прасад нутқ сўзладилар. (ТАСС).

КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИ-НИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАО КЕНГАШИ

20 июнда Тошкентдаги Окрут офицерлар уйдада ўрта осеи республикалари ва Қозғистон кутубхона ходимларининг Республикалараро кенгаши очилди.

Кенгаши СССР Маданият министрлиги Бош кутубхона инспекции бошлигининг ўринбосари А. И. Ефимова очди.

КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда кутубхона ишнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳақида Ўзбекистон ССР Маданият министрлигнинг ўринбосари Х. Ю. Асидинова ва Туркманистон ССР Маданият министрлигнинг ўринбосари И. Л. Репин доклад қилдилар. Тожикистон ССР Маданият министрлигнинг ўринбосари А. Р. Раҳимов ва Қирғизистон ССР Маданият министрлигнинг ўринбосари Т. Т. Турғубоева «Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига ёрдам соҳасида кутубхоналар иши» ва «Узоқ йилларда чорвадорларга хизмат кўрсатиш» деган темаларда доклад қилдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева ва республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азиев иштирок этмоқдалар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИИ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ, Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун Ёзувчи Константин Михайлович Симонов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиги билан мукофотланди

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМЛАРИ ОЛДИДАН

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЗАФАРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН СANOАТИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

Республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумини муносиб кутиб олишга тайёргарлик қилиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети номига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев номига ёзган мактубларда олган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар ва ялпи маҳсулот бўйича ва энг муҳим буюмларнинг қўлчилиги бўйича ярим йиллик планни 21 июнда муддатидан илгари адо этдилар.

Июнь охиригача халқ хўжалиги учун пландан ташқари қўлгана миқдорда пўлат, прокат, кўмир, нефть, минерал ўт, кабель буюмлари, қозғоқ, пахта толеси етказиб берилди. Социалистик қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун пландан ташқари қўлгана пахта териш машиналари, култиваторлар ва чигит экадиган трактор селкалари тайёрлаб берилди.

Енгил ва озиқ-овқат саноати июль ойининг охиригача пландан ташқари қўлгана газлама, трикотаж ва пайпоқ, чарм пойафзал, ўсимлик ва мол ёғи, гўшт, қолбаса ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Саноатда меҳнат унумдорлиги 1959 йилдагига нисбатан ошди, бунда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича план топширини ортиги билан бажарилди. Маҳсулот таннархини камайтириш топширини ҳам ошириб бажарилди.

Саноат соҳасидаги муваффақиятларга ишлаб чиқаришга янги техника ва илгорт технологияни жорий қилиш учун астойдил кураш олиб борилаётгани, етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги туфайли эришилди.

Саноат ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумини муносиб кутиб олиш учун ярим йилликнинг охиригача пландан ташқари юз миллионларча сўмлик турли маҳсулот ишлаб чиқаради.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТЬ SANOАТИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

Тошкент шаҳар ва область саноати корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини муносиб кутиб олиш учун кураш, ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари—21 июнда бажардилар. Шунингдек, энг муҳим маҳсулотлар тайёрлаш ярим йиллик топширини ҳам бажарилди.

1959 йилнинг худди шу давридагига қараганда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 18 процент кўпайди.

Корхона коллективлари ишлаб чиқариш процессларини янада механизациялаш ва автоматлаштириш, илгорт технология жараёнларини, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий қилиш учун курашмоқдалар. Шу сабаб-

ли ҳам меҳнат унумдорлиги 1959 йилнинг биринчи ярим йиллигиданга қараганда 13 процент ошди. Энг муҳим маҳсулотларнинг таннархи пландагига нисбатан ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча камайдди. Бунда янгилик изловчилар—рационализатор ва изтироичиларнинг хизмати катта бўлди. Виргина шу йилнинг уч ойи мобайнида келажак разведкачилардан 8 миңдан ортиқ рационализаторлик таклифлари тушди. Бу таклифларнинг қариб ярми ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилди.

Тошкент шаҳар ва область саноати корхоналарининг қўл миқли коллективлари етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш соҳасида қўлга киритилган бу муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида зўр гайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

ЛЕНИН ВАХТАСИДА

Оҳангарон шахтёрлари Тошкентдаги электр лампа заводи коллективининг Ленин вахтасини йил охиригача давом эттириш ҳақидаги ташаббусига биринчилар қатори қўшилиб, кўмир қазиб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олган эдилар. Улар эл-юрт олдидаги ўз ваъдаларини тўла ва ошириб бажариш учун интилиб ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Бўмир корхоналари ўртасидаги ўзаро мусобақада 9-шахта коллектив юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Шахтанинг барча участкаларида қончиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб берилган. Бу кўмир қазиб чиқариш бўйича белгиланган давлат пландарининг ошириб бажарилишига олиб келмоқда.

Коллектив кўмир қазиб чиқариш ярим йиллик планини муддатидан 15 кун илгари тўла бажарди. Шу вақт ичида республикаимиздаги саноат корхоналари, меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун пландан ташқари 20 миң тоннага яқин ёқилги етказиб берилди. Маҳсулот таннархини камайтириш, унинг сифатини яхшилашда ҳам дўруст натижаларга эришилди.

Шахтада донбасслик донгдор шахтёрлар Николай Мамай ва Александр Кольчиклар ташаббусига қўшилган қончилар қўчилигини ташкил этди. Улар ҳар сменада нормадагидан 1,5—2 тонна ва ҳатто 3 тонна кўл қора олтин қазимоқдалар. Наволотбойчилардан Рўметов, Каримов, Эргашев, Измаилов, Гареев ўртоқлар шундай пешқадамлардан ҳисобланади.

Шахта коллективи қўлга киритилган бу ютуқларини янада мустаҳкамлаш, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленумларини муносиб совғалар қилиб олиш учун янада баракали меҳнат қилмоқдалар. Ҳар кун истеъмолчиларга пландан ташқари юзларча тонна кўмир жўнатмоқдалар.

Ф. ПЕТРОВ.

Пленумга муносиб совға


Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши қарашли саноат корхоналарининг коллективлари Иवानов, Фарғона ва Киев иқтисодий районлари меҳнаткашлари билан бўлган социалистик мусобақага қўшилди ҳамда КПСС Марказий Комитети июль Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашиб, ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топширини муддатидан илгари—21 июнда тўла бажардилар.

Ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 18 процент кўпайди. Бунга ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, илгортлар таърибисини кенг оммалаштириш йўли билан эришилди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобай-

нида иқтисодий районнинг корхоналарида 59 та поток-конвейер линиялари ишга тушрилди, 1220 асбоб-ускуна модернизация қилинди. Шулар туфайли меҳнат унумдорлигини ошириш планни 3,5 процент ортиги билан бажарилди.

Иқтисодий район саноат корхоналарининг коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ой охиригача пландан ташқари кўп миқдорда пўлат, прокат, кўмир, минерал ўғитлар, пахта териш машиналари, кимё асбоб-ускуналари, электронакуум ва чала ўтказгич приборлари, кабель буюмлари, цемент, газмол, пойафзал, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари—жами бир неча юз миллион сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Кўлга киритилган бу ютуқларини янада мустаҳкамлаш учун астойдил курашаётган тикувчилар ўз зиммаларига янги оширилган мажбурият олдилар. Улар ярим йил ичида пландан ташқари яна 645 миң сўмлик турли-туман кийим кечаклар тайёрлашга аҳд қилишди. Сўзи билан иш бир бўлган корхона коллективи янги мажбуриятни ҳам муваффақиятли бажараятир.



Тошкент қозғоқ комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган жуда кўп ташкилий-техникавий тадбирларни белгиледилар. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши қозғоқ ишлаб чиқаришнинг анча кўпайтириш ияқонини беради. Суратда: қозғоқ цехида.

В. Фомичев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Сув қуйгандек жим бўлиб кетди...

— Интизом яхши, ишларимиз жойида, бу йил 810 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 24 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашамиз, — дейди Чиноз районидаги Навоий номидаги колхоз партия ташкилотининг секретари Турсун Болтаев.

Афсуски, даладаги аҳвол партокм айтгандек эмас. Колхознинг Бали Мирзаев, Карим Нисозов, Назарали Азизов бошлиқ бригадаларида 100 гектарга яқин майдондаги гўзаларни ёввойи ўт босган. Шунингдек 6, 3, 4-бригадаларнинг айрим пайкалларидagi гўзалар ҳалигача биринчи парваршидан чиқарилмаган.

Колхознинг илгир бригадалари олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун астойдил гайрат билан меҳнат қилмоқдалар. С. Мирзаахмедов, А. Турғунбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гўза текис ва нормал ривожланмоқда. Ҳозир бу бригадаларда иккинчи парварши тугалланиб қолди.

Мамлакат Мирзаахмедова, Гулчехра Иббосарова, Турсунбой Абдиева, Ш. Имомназарова сингари илгир колхозчилар гўза парварishi юзасидан белгиланган нормаларини 1,5—2 барабар ортири билан бажармоқдалар.

Лекин колхоздаги умумий аҳвол яхши эмас. Раҳбарларнинг ташкилотчилик фаолияти сусайиб кетгани сабабли 200 гектарга яқин ердаги гўзалар ўт билан қопланган.

Мўл ҳосилга замин тайёрлашда гўзаларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг аҳамияти катта. Бироқ, шу кунгача колхознинг 450 гектар ердаги гўзасига андигина биринчи марта озۇда берилган.

— Ўғит еттишмаси нима қилайлик, — дейди раис Т. Рустамов, — албатта, ҳаводан ололмаймиз!

Колхоз раҳбарларининг ҳозирги фаолиятлари фақат куруқ тапдан

нарига ўтмаптир. Шу колхоз дала-ларида Ўзбекистон Фанлар академия-си ходимларидан иборат Ёрдам бри-гадаси ишлади. Бироқ уларнинг меҳнатидан колхозда унумли фойда-ланилмаган.

— Далада ҳамма вақт ҳам иссиқ овқат тайёрланмапти, — дейди колхозчи Мазиб Оқидов, — Болта-ев ва Рустамовларга бир неча мар-та айтдик, улар фақат «хўп» дейди-лар-у, сув қуйгандай жим бўлиб кетадилар.

Демак, аҳвол ана шундай экан, колхоз раҳбарлари бунга теда хоти-ма беришлари зарур. Улар бор им-кониятлардан тўла фойдаланишга, колхозчиларнинг ташаббус ва гайра-тини оширишга ҳаракат қилишлари керак.

Т. МАҲМУДОВ.

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛСИН ДЕБ...

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

—>

Июнь мўл ҳосилга замин ҳозир-лашда ҳал қилувчи ойдир. Қайси бир колхоз, совхоз дала-ларида бўл-манг, ганимат фурсатдан унумли фойдаланаётган азамат пахтакорлар-ни кўрасиз. Улар мавжуд механи-зациядан унумли фойдаланиб, гўза-ни ўз вақтида озиқлантириб, су-гурин ишларини юксак агротехника қондалари асосида ўтказмоқдалар.

Қишлоқ мухбирларидан редакци-я-мизга кўлаб келатган хатларда шу азаматларнинг фидокорлик билан қилаётган меҳнати ҳақида ҳикоя қилинади.

— С. Тошматов, К. Турсун, Б. Қаҳрамонов каби моҳир механизаторлар номини совхоз ишчилари ҳурмат билан тилга оладилар. Улар ҳар куни 11—12 гектар ердаги гўзани сифатли култивация қилмоқдалар. Бу йил мавсумда 1000 гек-тар ердаги гўзани сифатли кул-тивация қилиб, 400 килограмм ёқил-гини тежаб қолишга сўз берган-лар, — дейди «Пискент» совхозидан хабар ёзган мухбир О. Эшонқулов.

«Брасная заря» колхозининг туюқ-чи механизатори Т. Эгамбердиев, — деб ёзди гулистонлик мухбирлар Т. Нўсимов ва Н. Оқмирзаев ўр-тоқлар, — 40 гектар ердаги гўзани ўзи парварши қилиб, етиштирилган пахта-ни машина билан териб олиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқ-да. Бу ташаббусга қўшилган П. Ху-

зин» совхоз 3-бўлимида ўртоқ О. Жураев 15 йилдан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлайди ва ҳар йили планини ошғи билан бажариб кел-моқда. Бу йил ўртоқ Жураев бош-лиқ бригада аъзолари 100 гектар ерга чигит экидилар. Уларнинг ҳалол меҳнати тўғрисида гўзалар гулга кира бошлади. Мухбир Е. Ҳасановнинг хатида ана шулар ҳикоя қилинади.

Оржоникидзе районидан З. Холма-тов колхоз ва совхоз раҳбар кадр-лари тайёрлаш Тошкент қишлоқ хўжалик ўрта мактабининг ўқувчи-лари район пахтакорларига яқиндан ёрдам бераётганликлари ҳақида ха-бар қилади.

О. Қозоқбоев ва З. Саъдиевлар Ингилўй районидagi «Коммунизм» колхозининг Р. Мансуров бошлиқ маккажўхориқор бригадаси аъзолари 125 гектар ернинг ҳар гектаридан 1200 центнердан кўпоя етиштириш учун гайрат билан меҳнат қилмоқда-лар, — деб ёзди хатлар.

«Шаҳар аҳолисини сазавот маҳсу-лотлари билан таъминлашда» Оржоникидзе район деҳқонларининг хиз-матлари каттадир. М. Холматовнинг ёзишча, райондаги Ленин номида колхозининг Х. Зокиров бошлиқ қилаётган 8-бригада аъзолари ша-ҳар аҳолисига ҳар куни 450—500 килограмм сазавот маҳсулоти ет-казиб бермоқдалар.

ҲИММАТИ БАЛАНД КИШИЛАР

Июнь кўёши найза бўйи кў-тарилиб, ортабаладонқ ҳамма-ёқни қиздира бошлади. Мана шундай ҳароратли кунларни деҳқонлар кўпдан ортиб кў-тан экидилар. Ҳарорат гўзанин-жоини киритишда тасаниси ян-баранте иборатиди, худди қулони-дан тортиқдан туркираб кўнка бўй қизди.

Шу ганимат кунларнинг қад-рига етган Анвар ака бошлиқ бригада аъзоларининг пахта дала-ларида кайноқ меҳнат ин-фуси неварди. Бир томонда универсаллар ҳайқирмоқда, бир томонда ингилтар эгратлар сув тараш мақсадида ўнариқлар олишяпти. Ҳамманин мақса-ди битта: ҳосилимиз мўл, юзи-миз ёруғ бўлсин, дейишяпти.

Биз бригада бошлиғи, Соци-алистик Меҳнат Қаҳрамони Ан-вар ака Эгамназаровнинг эгратлар оралаб култивациясининг сифа-тини кўздан кечириб юрган пайтда унумли. Ундиг руҳи тегик, механизаторлар ишидан беҳад мамнулини сезилиб ту-рарди. У бир туп гўзанин та-ғини очиб кўрди. Култивация-нинг кенглиги ҳам, чуқурлиги

ҳам жойида. Шундай юмшати-ла, гўза томирлари яхши илдиз отади. ҳам ҳаводан, ҳам ердан ҳарорат эмиб, эркин ривожла-нади.

— Мана ўзинглар кўриб ту-рибсизлар, — Анвар ака уфқ-лар билан тугатиб кетган кенг пахтазорларга ёппасига шонга кирган яшил гўзаларга меҳр билан боқар экан вазири сўз-лаб кетди, — об-ҳаво нуқул эл-келди, ёнгарчилик кўп бўл-ди. Лекин бригадамиз аъзола-ри бун келмадилар. Саросима-га тушмадилар. Дуч келган қи-йинчиликларни енгил учун бора кучинишди, тежинишмади гўза парварishi тўла сафар-бор эдик. Қатқалоқ вақтида тугатилди, ўтдан тозалаб ол-дик.

Дастлабки дуруст натижа-ларга эришишда механизатор-ларнинг хизмати катта бўлди. Эрта тонгдан кош қорайгунча универсал рулидан тутишмади азаматлар. Урал Отабеков би-ран Сарсенбой Бесаёев ҳозир-гача барча майдонлардаги гў-заларни икки марта култива-

Х. ШАРИПОВ.
А. ЛАТИПОВ.
У. НИЗОВ.

Гўза баргини тўка- диган янги препарат

Усимликларни ҳимоя қилиш Ўзбекистон институтининг ил-мий ходимлари пахта терими олди-дан гўза бареларини тўки-ши учун қалъий хлоридидан иборат янги ким-ёвий препаратни тавсия этди-лар.

Областимизнинг колхоз ва совхозлари дала-ларида ана шу препарат тешириб қўрилган-да жуда яхши натижаларни берган. Бу кимёвий доривор билан ишланган гўзаларнинг деярлик ҳамма барелари тўки-лади. Натижада механизатор-ларнинг унумли ишлаши учун қу-лай шароит вужудга келади. Бир гектар ердаги гўза барел-ни тўкиш учун атти 25—30 килограмм препарат сарфлана-ди. Бу препарат илаари қўлла-ниб келинган мағний хлориди-дан 1,5—2 барабар арзонга тушади.

Галла ўрим-йигимиға тайёргарлик суст

Шу кунларда «Ховос» совхоз-ининг илгир тракторчи ва комбай-нчилари техникани сифатли ремонт-дан чиқариб, галла экилган ерларга жўнаб кетмоқдалар. Биринчи на-вабда ўриладиган ерларни аниқла-моқдалар.

Лекин шунга айтиш керакки, сов-хознинг кўпчилиги бўлимларида ўрим-йигимни бекам-қўёт, ҳар тарафла-ма тўла тайёргарлик билан кутиб олиш пайсалга солинмоқда. Агар сиз совхоз раҳбарлари билан бу масала-да гаплашсангиз улар, «ҳамма иш-миз жойида» деб жавоб берадилар.

Совхознинг бот агрономини ўртоқ М. Дадабоев ўртоқ Алмирбеков бошқарувчи бўлган 3-бўлимнинг ишларини шундай мақтадики, асти қў-қабери. Унинг гапига қараганда бу бўлим совхозда энг илгир ҳисобла-нади: галла ўрим-йигимига қили-ниши зарур бўлган ишларнинг ҳам-маси муддатидан илгари бажарила-ган. Ҳамма нарсга тахт.

Биз бош агроном кўларга кўта-

риб мақтаган бўлимда бўлдик. Аф-суски бу ердаги иш ўртоқ Дадабоев айтганича эмас экан, бўлимга энди-гина 9 комбайндан бори-йўри 5 та-си келтирилди. Ҳалига қадар тра-кторлар техника кўригидан ўтказил-мабди. Мавжуд арава ва автомаши-налар ремонтдан чиқарилмаган.

Трактор ва комбайнлар учун ёни-ди ташиб келтириш ва улар учун жой тайёрлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ. «Ремонтдан чиқа-рилди» деган хирмонинг ҳеч ким бориб кўрмаган. Катта тарози бўзи-либ ётибди.

Биз бўлимдан совхоз идорасига қайтганимизда совхоз партия ташки-лотининг секретари Жуман Хўжабе-ковга дуч келдик. Унга кўрган, бил-ганларимизни сўзлаб бердик. Шун-да:

— Қаердан билайин, бўлим бош-қарувчиси «бормасангиз ҳам майли, ишимиз жойида» деб айтган эди. Мен унинг гапига ишониман-да, — деди.

Ана ҳоло! Партокм жойларда

бўлмас экан. Қалбаки маълумот-ларга маҳлиё бўлиб, пуч ёнғоққа қўйини тўқибди юрган экан.

Совхознинг ўртоқ Пўлош Эрбе-ков бошқарувчи бўлган иккинчи ва бошқа бўлимларда ҳам юқоридagi сингари хунук фактларни учратиш мумкин.

Бу йил совхоз дала-ларида мўл галла ҳосили етиштирилмоқда. Со-вхоз маъмурияти бутун куч ва имко-ниятлардан тўла фойдаланиб, шу кунлардаги асосий ишни Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва респу-блика Министрлар Советининг «Ўзе-бекистон ССР колхоз ва совхозлари-да галла ва мойли экинлар ўрим-йи-гимини ва дон тайёрлашга ҳозирлик кўриш тадбирлари тўғрисида» деган қарори асосида ташкил қилишлари керак. Ана шундагина мўл ҳосил қилишга вақт ичида ҳеч нобуд қилин-масдан йигиштириб олинади.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
мухбири.



Қуйи Чирчиқ районидagi «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг 2-бўлими пахта дала-лари Тошкент қишлоқ хўжалик ин-ститутининг студентларига бир-китиб қўйилган. Студентлар тажрибали пахтакорлар ҳам-корлигида 804 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштириш учун кураш-моқдалар. Суратда: (чапдан) 2-бўлимнинг бошлиғи Маҳмуд Динаев, совхознинг бош агро-номи Ҳикмат Мухаммадзонов ва студент-аэно бошлиғи Аб-дугани Мусахонов ўртоқлар гў-залар ишлов беришининг сифати-ни текширмоқдалар.
М. Шевелев фотоси

Гулистонликлар етмиш минг тонна учун кураш бошладилар

Гулистон районининг колхозчи-лари, совхоз ишчилари областимиз пахтакорларининг мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган янги мажбуриятларини қизғин қўллаб-қувватладилар. Ҳар бир колхоз, совхоз ва бригада ўз имкониятини қайта қамаллаб қў-риб, бу янги социалистик мажбури-ятни муваффақиятли бажариш чора-ва тадбирларини белгиллаб қилмоқ-да. Шундай қилиб, район бўйича бу йил мамлакатга 70 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан янги маж-бурият олинди.

Ҳозир илгир колхоз ва совхозлар-нинг дала-ларида гўза парварishi ҳар тарафлама кучайтириб борила-ган. «Октябрь» колхоз дала-ларида ҳам шундай.

— Мен колхоз ташкил қилинган-дан бун шун ерда ишлайман, — дейди кеска колхозчи Қодир ота Тур-либеков, — пахта шундай ўсимлик-ки, қанча ишловини яхшиласангиз, ҳосили шунчалик кўпаяверади. Бри-гадамиз аъзоларига гўза парвар-шини ўтказишга қўлдан келганича ёрдам бериб турибман. Механизатор Ингилтарларимизга балли, улар култивация қилиб, гўзанин жоини киргизишяпти. Янги мажбурият олганидан кейин биз ҳам масла-ҳатлашдик. Бригадамиз бўйича дав-латга гектаридан 28 центнердан — жами 243 тонна пахта сотишга аҳд қилдик.

Шу колхознинг ўртоқ Густам Вей-салов бошлиқ бригадасининг аъзола-ри ҳам ҳар гектаридан 30 центнер-дан пахта топиришга аҳд қилди-лар. «Ленинград» колхозининг ўр-тоқ Сора Шодмонова бошлиқ бри-гадаси аъзолари ҳар гектар ерда 50 центнердан пахта етиштириш учун кураш-моқдалар. Бу курашга 70 йил тажрибали сувчи, коммунист Сафар ота Қосимов, Урал Ота-беков, Сарсенбой Бесаёев мад-ди азамат механизаторлар ўз-ларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— Янги мажбуриятимизнинг ба-ҳалигини муносиб ҳисса қўиш учун ҳаракат қилиб, ҳар куни 12—13 гектар ердаги гўзани култиваци-я қилмоқдаман, — дейди универ-салчи С. Султонов.

Бундай меҳнатсевар, миришқор бригадирлар, гайратли механизатор-лар ҳар бир колхоз, совхоз ва бри-гадда ҳам учрайди. Шулар бирла-шиб туриб ҳамкорликда 70 минг тонна пахта учун кураш бошлади-лар.
С. ИСЛОМОВ.

БЕДА ЎРИШ ҚИЗИТИЛДИ

Чиноз районидagi 4-«Вренский» насл-лик совхозининг меҳнатсевар ишчилари давлатга чорва маҳсулотлари етишти-риб бериш бўйича етти йиллик планини 1961 йилдаёқ бажариш учун курашмоқдалар.

Совхоз коллективи бу йил 1200 бош си-гирнинг ҳар биридан қандайд 4500 кило-граммдан сўт соғиб олинган аҳд қилган. Шунинг учун бу ерда мустақим етказиб бериш яратилган алоҳида аҳамият бериш-моқда.

ВЕНА, 20 июнь. (ТАСС). Австрия им-матбуоти Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрущевнинг Австрияга қи-ладиган сафарига қизиқини гоят оўр бўлганлигини кўрсатувчи мақолалар босиб чиқармоқда. Газеталар бу ви-зитни халқаро миқёсда биринчи да-ражада аҳамиятга эга бўлган воқеа деб тўла маъқулламоқдалар.

«Совет беш министри Никита Хрущев, — деб ёзди «Эстеррей-хисе нейе тагесейтунг» деган бур-жуа газетаси, — бу йил Австрия кутиб оладиган энг атоқли давлат арбобидир. Унинг визити жаҳон жа-моатчилигининг алоҳида эътиборини жалб этади. У Австриянинг тарақ-қирларини кўп марта айтиди. Унинг визити... икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустақамлаш ва яхшилаш ишига хизмат қилади. У раҳбар арбобларга фикр олиниш имкониятини беради. Бундан таш-қари, Хрущев Австрия билан шах-сан танишмоқчи. Бунинг чин қалбдан у «Австрия халқининг тинчликни

севганига қаноат ҳосил қилиш им-кониятига эга бўлади», деб ёзди. «Дас кляйне фольксблат» деган бошқа бир буржуа газетасининг бош редактори Грессль ўз мақоласини чиқариб, бунда ҳам Австрия жамоат-чилиғи ва жаҳон жамоатчилиғи Н. С. Хрущевнинг қиладиган сафа-рига зўр қизиқин билан қараётган-лигини таъкидлайди. «Австрия, — деб ёзди у, — Совет Иттифоқи би-шле нейе тагесейтунг» деган бур-жуа газетаси, — бу йил Австрия кутиб оладиган энг атоқли давлат арбобидир. Унинг визити жаҳон жа-моатчилигининг алоҳида эътиборини жалб этади. У Австриянинг тарақ-қирларини кўп марта айтиди. Унинг визити... икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустақамлаш ва яхшилаш ишига хизмат қилади. У раҳбар арбобларга фикр олиниш имкониятини беради. Бундан таш-қари, Хрущев Австрия билан шах-сан танишмоқчи. Бунинг чин қалбдан у «Австрия халқининг тинчликни

севганига қаноат ҳосил қилиш им-кониятига эга бўлади», деб ёзди. «Дас кляйне фольксблат» деган бошқа бир буржуа газетасининг бош редактори Грессль ўз мақоласини чиқариб, бунда ҳам Австрия жамоат-чилиғи ва жаҳон жамоатчилиғи Н. С. Хрущевнинг қиладиган сафа-рига зўр қизиқин билан қараётган-лигини таъкидлайди. «Австрия, — деб ёзди у, — Совет Иттифоқи би-шле нейе тагесейтунг» деган бур-жуа газетаси, — бу йил Австрия кутиб оладиган энг атоқли давлат арбобидир. Унинг визити жаҳон жа-моатчилигининг алоҳида эътиборини жалб этади. У Австриянинг тарақ-қирларини кўп марта айтиди. Унинг визити... икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустақамлаш ва яхшилаш ишига хизмат қилади. У раҳбар арбобларга фикр олиниш имкониятини беради. Бундан таш-қари, Хрущев Австрия билан шах-сан танишмоқчи. Бунинг чин қалбдан у «Австрия халқининг тинчликни

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ КЕНГАШИ ДОИМИЙ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ МУРОЖААТИ

ҚОҲИРА, 20 июнь. (ТАСС). Осиё-Африка мамлакатлари бирдамли-ги кенгашининг доимий секретари-яти баёнот эълон қилди, унда Англия мустамакачи маъмулари томонидан Шимолий Родезия бирлашган миллий муқтали партиясининг раиси Кенет Кунднинг ҳамоқда олинишига қарши қатъий норозилик билдири-лади. «Биз, — дейилади баёнотда, — мустамакачиларнинг инсонпарвар-лик ҳамда инсон ҳуқуқлари декла-рациясининг элементар принципла-рига эид бўлган ана шундай ваҳ-шилик методларини қоралаймиз».

Мурожаатнинг охирида доимий секретариат Африка — Осиё бирда-м-лигининг ҳамма миллий комитетла-ри «Англия маъмуларининг ана шу жинояткорона ҳаракатларига» қарши норозилик билдириш ва Ку-анднинг озод қилинишини талаб этишга қақирди.

МАЛИ ФЕДЕРАЦИЯСИ — АФРИКАДАГИ ЯНГИ ДАВЛАТ

ПАРИЖ, 20 июнь. (ТАСС). Франс-пресс агентлигининг хабар бериши-ча, бутун ярим кечалда Мали Феде-рал мажлисининг раиси Леопольд Сенгор Дакар шаҳрида Мали Феде-рациясининг мустақиллигини танта-нали назиятда эълон қилган.

Федерация составига Африкадаги икки республика — Франциянинг собиқ мустамакалари Сенегал ва Судан кириди. Уларнинг аҳолиси 6

ИНГЛИЗЛАР ТАЛАБИ

ЛОНДОН, 20 июнь. (ТАСС). Анг-лияда Америка ракета ва авиация базаларининг бўлиши Англия аҳоли-сига даҳшатли хавф тугдирмоқда ва уруш хавфини кучайтирмоқда, дейи-ла бу ерда Тинчлигини ҳимоя қи-лиш Англия комитети ташаббуси билан бўлиб ўтган конференцияда неча қабул қилинган петицияда. Кон-ференцияда Англияда Америка база-ларини тугатиш учун нампания бош-лашга, бунинг учун ана шу талаб-лар ёзилган петицияга бутун мамла-

катда имзо тўплашни ташкил этиш-га қарор қилинган.

Кечанинги ўзида Англиянинг тинч-лик учун ёш курашчилари ҳаракат-ининг қатнашчилари Лондонда на-мойиш ўтказдилар. Улар шаҳар кў-чаларидан юриб ўтиб, АҚШ элчихо-насига негиллар ва элчихона ҳодим-ларига водород бомбаси ортлган Америка самолётларининг патруль училарини тўхтатишни ҳамда Ан-глиядаги Америка базаларини туга-тишни талаб қилувчи резолюция топиридилар.

ЖАЗОИР РЕСПУБЛИКАСИ МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЕНОТИ

ПАРИЖ, 20 июнь. (ТАСС). Франс-Пресс агентлиги мухбирининг Ту-нисдан хабар беришча, Жазоир Республикасининг муваққат ҳукума-ти генерал де Голль билан учрашиш эълон қилган баёнотида бундай дейилади:

«Франция Республикасининг прези-денти Жазоир халқининг ўз тақ-дириши ўзи белгилаш ҳуқуқини Франция номидан ана очик-равшан таъкидлади.

Шу баёнотга мувофиқ, Жазоир халқи бу масалани узи-кесил ҳал қилиши лозим. Жазоир Республика-сининг муваққат ҳукумати шу нар-сага амнидрики, агар референдум

ОКИНАВА СТУДЕНТЛАРИНИНГ НОРОЗИЛИК МИТИНГИ

ТОКИО, 20 июнь. (ТАСС). Окина-ванинг бош шаҳри бўлган Наха шаҳ-ри университетининг АҚШ президен-ти Эйзенхауэрнинг оролга келишига қарши неча бўлиб ўтган норозилик намоийишда қатнашган студентлари Япония парламенти ёнида бўлган намоийишда Токио университетининг студенти Митино Канданнинг полиция томонидан ўлдирилганига қарши бугун норозилик митинги ўтказди-лар.


Митинг қатнашчилари «хавфсиз-лик шартномасига» қарши, оролдаги Америка базаларига қарши норози-лиги билан намоийиш қилди.

«Иодо Цусин агентлигининг хабар беришча, студентлар бугун универ-ситетдаги машғулотларни бойкот қилди.

Чилида ЯНА ЕР
ҚИМИРЛАДИ

НЬО-ЙОРК, 20 июнь. (ТАСС). Бугун кечаси Чилида яна ер қимир-лади, энгилла бир минут давом этди. Ер қимирлаши натижасида Вальде-рия шаҳрида 22 майда бошланган кучли ер қимирлашлардан бутун қолган бир неча бино мутлақо вай-рон бўлди.

„ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 22 ИЮНЬ, 1960 ИЙЛ.



Анхор бўйида.

В. Салов фотоси.

Ишчилар диплом лойиҳаларини муҳофизат қилмоқдалар

Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг радиоузели қизик бир хабарини эшкитди. Ўрта Осиё политехника институтининг механика факультетининг студенти Махмуд Болабековнинг диплом лойиҳасини ёқлашда қатнашмоқ учун ҳамма ишчилар клубига таклиф қилинган эди.

Давлат ишхона комиссияси мажлис ўтказган эди ишчилар билан қўлга олинган. Пакта терини аргументларининг ташлирини Фреервэлл учун автомат станокнинг Махмуд томонидан таклиф этилган аниқ ҳисоблари ва чертёжлари давлат ишхона комиссиясининг эътиборини жалб қилди. Бу машина жуда ҳам керакли бўлиб, иш уюшсини бир неча баравар оширди.

Маана, саволлар ҳам бериш-кетини ёқлашди: янги машина ўзини тезда қоплайдими? Станокни бошқариши қийинми? Хуллас, ишчиларнинг ўзлари диплом лойиҳасининг чинакам оптимизмлари бўлиди.

Фреервэлл Р. Ф. Махмуднинг асбобининг мушаккамлиги қизиқтирган бўлса, мастер Х. Самгана машина деталларини қанчалик аниқ ишлаб беришини сўради. Лойиҳани муҳофизат қилмоқдалар завод инженерлари ҳам сўзга чиқди. Бош технолог А. Конс-тантинполов ва механика факультетининг ходими Т. Поповов янги станокнинг биринчи нус-хасини синаб қўриш юзасидан ўтказилган ишларнинг натижа-ларини сўзлаб берди.

Махмуд Болабековнинг лойи-хаси яқинлашди билан маъму-лавиш ишлаб чиқаришга қабул қилинди. Машинасозлар ўз лойиҳасини амалга ошириш мақсадига асосан корхонада қўлдорини комиссиядан ил-тимос қилди.

Политехника институтини сту-дентларининг диплом лойиҳа-ларини ишчилар ва инженерлар-нинг иштирокида санат кор-хоналари ёқлашлари традиция бўлиб қолди. Шу йилнинг ўз-даги механика факультети-нинг 80 га яқин студенти лойи-халарини ишлаб чиқаришга топ-ширади. (ЎзТАГ).

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

Ўрта Осиё Политехника инсти-тутини илмий советининг навбатдаги конференцияси «Қурилиш мате-риаллари сифатини яхшилаш» де-ган темага бағишланди. Киме-тех-нология факультетиде ўтказилган бу илмий-техника конференция-да Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демияси киме институтининг млад-ший илмий ходими Н. Нормуха-медовнинг «Оҳан тошнинг қуви-рилган туپроқ физик-химик хо-саларига таъсирин» деган темада-ги доклады катта қизиқиш билан тингиланди. Шундан сўнг Тошкент-даги таъриб заводи бош инжне-ри ўртоқ Р. Жабборов керамзит-ни ўлаштириш соҳасида олиб бо-риладиган муҳим илмий-тадқиқот-лар ҳақида, инженер Т. Мурод-жона қурилиш санатиде қўлани-ладиган полистирол плиталар-нинг ясалаш процесси ҳақида сўз-ладилар.

Қ. АХМЕРОВ.



Раҳмат Раҳмонбердиев бу йил Тошкент темир йўл транспорт инженерлари институтини та-моулайди. У шу кунларда «Учаска станциясида тез ай-нидиган юкларни оммавий ра-вишда ортишни ташкил этиш» деган темадаги диплом устида ишламоқда. Дипломни ёқлаб, қў-лани маъмул ҳаёт учун йўл-ланма олган Раҳмат Ахмедов темир йўлга ишга жўнаб кета-ди. Суратда: Раҳмат Раҳмонбер-диев институт диплом эълани.

Э. Худойбердиев фотоси.

АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ҳозир областимизда алоқа бўлими 230 та алоқа бўлими меҳнаткашларга хиз-мат кўрсатмоқда. Бир-роқ булар ўсиб бора-ётган талабни ҳали тў-ла қондира олмаётир. Шуни ҳисобга олиб, област алоқа бошқар-маси бу йил алоқа бў-лимлари сонини янада кўпайтиришни план-лаштирган эди. Қури-лиши лозим бўлган 20 та типовой алоқа бўли-ми биноларидан ҳозир ўн таси битказилиб, иш-га туширилди. Янги

алоқа бўлими Юю-ри Чирчиқ райони, Бекобод, Янгийўл ва Янгийер шаҳарлари меҳнаткашларига на-мунали хизмат кўрсат-моқда. Янги охиригача аҳоли кўп яшайдиган жойларда яна 10 та алоқа бўлими очилди. Область алоқа бош-қармаси колхозларни радиолаштириш юзаси-дан ҳам катта ишларни қилмоқда. Шу йилнинг ўзиде Ююри Чирчиқ районидеги Ленин но-ми, Ворошилов номи,

Пискент районидеги Калинин номи, Ўзбекистон номи, Бўна районидеги «Комму-низм» колхозларида янги радиоузел қури-либ, қишлоқ меҳнат-кашларининг уйига ра-диоточкаларни тушири-лди. Бундан ташқари Гулистон, Сирдарё рай-онлари ва Янгийер ша-ҳаридеги бир қанча кол-хоз ва совхозларнинг радиоузеллари ҳам ре-конструкция қилиниб, радиоточкалар сони кўпайтирилди.

З. Мухаммаджонов.

БИР СМЕНАДА

Коллективде яхши фикр тутил-ди Яна тўртта синф хонаси ку-рилса, мактабни бир сменали маш-гулотларга қўчириш мумкин экан.

— Уш кучимиз билан кура-миз — деди мактаб комсомол таш-килотининг секретари Лиана Ни-матова, — комсомоллар гишт қуйиб беришди.

Секретарь комсомоллар Янгий-лишида айтилган сўзларини эслади: ёшлар бир сменали машгулот-ларга ўтибса, кунин узайтирилган гуруҳларнинг ташкил қилиниши, тўғараклар иши, комсомол ва пи-онер ташкилотлари фаолиятла-ри яхшиланганини айтишди ҳам-да янги бинони қуришда ўқувчи-лар коллективига ёрдам бериш-га қарор қилишди.

— Ушмишда усталар ҳам, ду-радгорлар ҳам бор, — деди ўқи-тувчи Убайдулла Турсунов.

Ташаббус шундай бошланиб кетди.

Шу кунларда Тошкент шаҳар Калинин районидеги Чернышев-ский номи 38-ўрта мактабга бор-ган киши ўқувчиларнинг янги

ҲИММАТ

бинога эшик ва дераза ромлари ўрнатаётганликлари ва деворлар-ни оқлаш учун ҳаракат қилаётган-ликларини кўради.

Мактабда 1960—1961 ўқув йилидан бошлаб дарслар бир с-менада олиб борилади.

Меҳнатсевар коллектив ўқувчи-ларга политехника таълими бе-ришни яхшилаш учун дурадгор-лик ва темирчилик устаконалари-ни кенгайтириб, уларни қайтадан жиҳозлашга киришди. Тикувчи-лик тўғрисидаги ўқув янги машина-лар сотиб олинди. Физика, киме, биология фанларининг ҳар бирига алоҳида кабинетлар ташкил қи-линди.

Мактабда ташкил қилинган пи-онерлар лагерига бошланғич синф-ларнинг ўқувчилари қувнаб дам олмоқдалар. «Москва» колхоз-привлечение болаларини иссиқ ов-қат билан таъминлашга ёрдам бе-раётир. Янги ўқув йилида худди шу лагерга базасида кунин узаити-рилган гуруҳлар ташкил қилина-ди.

М. ҚУШОҚОВ.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЯНГИ УИЛАРДА

Тошкент атрофидеги Сергели ишчилар посёнаси йилдан-йилга обод ва кўркам бўлаётир. Бу ерда қисқа вақт ичиде икки четига соя берувчи дархатлар экилган кенг кўчалар бунёдга келди. Йил бо-шидан бери юздан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг оилалари янги уйларга қўчиб қилинди. Бу ерда қуриладиган янги ётоқхона биноси ҳам яқинда фойдаланишга топ-ширилди. Ётоқхонада темир-бетон ишпал ва темир-бетон конструкция-лари ишлаб чиқарадиган завод ишчилари истиқомат қилади.

М. Сулонов.

ТЕАТР АРТИСТЛАРИ ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Янгийўл шаҳридаги Маннон Уй-гур номи билан мактаб театри артист-лари Бекобод шаҳрида бир ҳафт-тача гастролда бўлиб, пахтакор-

ларга маданий хизмат кўрсатди-лар. «Равшан ва Зулхумор», «Кай-нона» спектаклларини тамошбил-лар яхши қарши олинди. Театр коллективи Навоний номи, «По-беда» ва бошқа колхозларда ҳам бўлиб, пахта далалари меҳнаткаш-ларига маъмули концертлар қў-йиб берди.

Н. Болтабоев,

ЧОЙХОНА-ОШХОНА

Тошкентнинг Калинин майдо-ни ёнида қуриладиган ёзлик чойхона-ошхона яқинда фойдаланишга топ-ширилди. Бу ерда бир йўла 150 га яқин киши овқатланиши мум-кин. Пазандалар тайёрладиган сом-са, кабоб, лагмон, палов каби 20 хилга яқин миллий овқатлар хў-рандаларга манзур бўлмоқда.

Ш. Ҳамидов,

А. Бақодиров,

Қ. Исоев.

ХАЛҚ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОИЛИГИ

АПТЕКАЛАР ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз меҳнат-кашларини фаровонлигини оши-риш, уларнинг турмуш шароитла-рини яхшилаш ҳамда медицина хизматиини намунали йўлга қўйиш тўғрисида доимо катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС Мар-казий Комитети ва СССР Минис-трлар Советининг «СССР аҳоли-сини медицина хизмати кўрсати-ши яхшилаш тўғрисида» деб чи-қарган қарори бу ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Қарорда мамла-катда доволан-профилактика му-ассасалари тармоғини кенгайти-риш, турли дори-дармонлар ишлаб чиқариши ва аптекалар шохобча-ларини кўпайтириш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган.

Ана шу қарор талабларини ба-жариш юзасидан Тошкент шаҳри ва областининг аптека ходимлари олдига ҳам муҳим вазифалар ту-рибди. Тошкент аптекалар бош-қармаси аҳолига дори-дармонлар етказиб бериш яхшилаш, аптека-ларини аҳоли айланиш пункт-ларга яқинлаштириш юзасидан бир қанча тадбирларни белгилаб, амалга оширмоқда.

Шу пайтгача қишлоқ аптека-лари дори-дармонларини Тошкентдан олиб кетар эдилар. Бундай ҳо-лларда қишлоқ жойлардаги аптека-лар баъзан қундузлари беклиб қолар, уларда зарур дори-дармон-лар ўз вақтида топилмай қоларди. 1960 йилдан бошлаб, қишлоқ ап-текаларини дори-дармонлар би-

дан таъминлаш системасини ўзгартириб, Ҳозир бундай ап-текалар районлардаги марказий аптекаларга бириктиб қўйилган. Агар илгари қишлоқ аптекалари 20—25 кун орадаб дори-дармон-лар келтирилган бўлса, ҳозир улар ҳар 10—12 кунда зарур ме-дицина товарларини олиб туриб-ди.

Биз ҳамма район марказидаги аптекаларни автотранспорт билан таъминлашни мўлжалламоқдамиз. Бу машиналардан қишлоқ аптека-ларига дори-дармонлар ташини-да фойдаланилади. Бундай қўлайлик-ни дастлаб Сирдарё, Оржоникиде районлари ва Янгийер шаҳрида жи-рий қиламиз.

Район марказларидаги аптека-лар бошқарувчиларининг ҳуқуқ-лари анча кенгайрилди. Районда-ги ҳамма аптекаларда тайёрла-надиган дориларнинг сифатига жа-вообгарлик ва қишлоқ аптекалари-ни дори-дармонлар билан ўз вақ-тида таъминлаш масъулияти ана шу бошқарувчилар зиммасига қо-латилди.

Тошкент шаҳри ва областиде Ҳозир маъмул бўлган 130 га яқин аптека аҳоли талабларини тўла қондира олмаётир. Ҳали аптека-лар бўлмаган аҳоли яшайдиган пунктлар анчагина бор. Шуни ҳисобга олиб етти йилда Тош-кент областиде 42 та аптека очил-ти планлаштирилган. Шу муносаб-тидан бу соҳада хизмат қилувчи ходимлар сони ҳам 60 процентга

кўпайтирилади. Етти йилда кўзда тутилган аптекалардан 7 таси Тошкент област қишлоқла-рида ва биттаси пойтахтда очилиб яқинда ишга туширилди. Янги кун-ларда Янгийўл районидеги Сталин номи ва «Коммунизм» колхозла-рида ҳамда Ўзбекистон районидеги Қўшқўпри қишлоғида ҳам аптека-лар очилди. Ҳозир областимизда-ги аптека тармоқларининг ходимла-ри барча ички имкониятларини иш-га солиб етти йилда кўзда ту-тилган ланини муудатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Ҳозир ўз штатиде энг камиде ик-ки таъминлаш мақсадида бундай аптекалар аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш би-лан бирга санитария-оқартув иш-ларини ҳам олиб бормоқдалар.

Биз юзорида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириб, об-ласть меҳнаткашларига тиббий хизмат кўрсатишни тобора яхши-лайми.

М. КАРИМОВ,
Тошкент област ва шаҳар аптекалар бошқармасининг бошқарувчиси.

ЎРТЎҚМОҚ ТОПИЛМАС

Октябрь ошхоналар трестига қарашли 4-чойхонада (Себ-зордаги) маданий-оқартув ишлари мутлақо йўқ. Чойхоначи Обид Жалилов билан Исҳоқ Муродовлар эскилик сарғити — қиморбозлик, ичкиликбозликка кенг йўл қўйиш билан бирга, ўзлари ҳам ўша ўйинларда иштирок этадилар. Бу ярамас аҳ-вол қачонгача давом этади?

(Мухбир хатидан).

Чойхонамиз нусхасин айтсам ҳосон топилмас, Тўсинлари беланги, синса асов топилмас, Бу хилдаги кўҳна том юртада бйрон топилмас, Тузатишда терстада нечун имкон топилмас.

Чойнакнинг лунки учган, пибла доғ-қатирма, Нопҳора кир-гарзон сочиқни кўру-кўрма, Нозон-товоқ ҳақида айнар кўнгила, тапирма, Учоқ бошида қоплон сири аён топилмас.

Қиёфасин кўрса ним демас қизил чойхона, Ғийбатчиға қароргоҳ, бекорчиға бошпана. Даврада неча чойхўр қўллариде бедона, Укни кўзли тулланка мос паҳлавон топилмас.

Пул тикилиб ўртага, авжида картабозлик, Чойхоначи нахшигир, сўзлари санг тарозлик. «Ишинг чакки» дейилса, олар зиқ мижозлик, Ғози шалоқ жижзани, ундай «гапон» топилмас.

Соғ кунин йўқ — кунда мас, оёққа тургай аранг, Кўл панашага, ўшқириб ҳис этар ўрни паланг. Шовқинидан бир эмас етти маҳалла гаранг, Мудом ушбу чойхона бетўпалон топилмас.

Дарди фақат даромад, оёқ остига боқмас, Шахмат-шашка, газета Обид Жалилга ёнмас, Трестга бир қадам йўл — келиб кўрса йироқмас, Оқартирув ишидан зарра нишон топилмас.

Ж. АСОМУДДИНОВ.

Ўғлим «Ўртўқмоқ» сенга озгина маълумот бермоқчиман, шундан фой-даланиб, анави телеательенинг мас-қарабози Карташев ҳақида бир фельетон ёзгин.

Нима бўлдию, янги олган телеви-зоримиз бузилди қолди. Ёрдам сўраб телеательега бордим. Мента техник Карташевини рўпара қилди. Унинг кишлар нонини туя қилиб юришини билмас эканман.

Карташев келиб телевизорнинг уёгини кўрди, бўғини буралди-да, қайтиб кетаверди. Кейин билсак бу одам телевизорнинг иккита янги лампочкасини олиб ўрнига ёшини ашаб бўлган, эски, лампочкаларини қолдириб кетибди.

Уша кунин кечқурун телевизор бу-тунай ишламай қўяқолди. Бу безорилик ҳақида телеателье-нинг бош инженери Алиевга шикоят

қилдим. 2—3 кундан сўнг уйимизга бригадир Коваль келди.

— Оббо мўғомбирей — деди Ко-валь бош чайқаб — ростдан ҳам янгисини олиб, эски лампочкаларини ўрнатиб кетибди...

Лекин Коваль негандир акт тузиш-га ризойил бермади. Шундан сўнг Алиев ҳузурига қатнай бериб оёқ-дан қолдим. Нихот Алиев акт ту-зишга Ковальни мажбур этди, бузук лампочкаларини янгисини алмашти-ришга сўз берди. Эртасига Карташев бизникка келди-ю, узур сўраб: «Янги лампочкалар йўқ, келса қў-йиб бераман» дея жўпакни ростлаб қолди.

Мен қаттиқ хафа бўлдим. Алиев ҳузурига ана бир марта боришга мажбур бўлдим. Маълум бўлишича Карташев бу гал келишида чўнтаги-га янги лампочкалар солиб келган экан. Демак у ҳам мени, ҳам теле-ателье раҳбарларини адабди.

Оқибат шу бўлдики, телеателье раҳбарлари ўз сўзларини Карташев-га ўткази олмай, менинг уйимга партия ташкилотининг секретарини юборишга мажбур бўлиди.

Ўғлим «Ўртўқмоқ», фрийбар Кар-ташевини фельетон қилсанг тилегла-ма, ёлғовчи, ателдега ҳеч кимни меинсмайидиган зўравон эканлигини ҳам қўшиб ёзгин. Сендан илтимосим шу.

Нури САИДХУЖАЕВА,

Қаҳрамон она.

Биринчи концерт

Гулистон районидеги «Мирзачўл» совхозиде бадий ҳаваскорлик тўғ-раги ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Тўғарак раҳбари ўртоқ Гулшун қисқа вақт ичиде совхоз ишчилари ва хизматчиларидан жуда кўп кишини ҳаваскорлар коллек-тивига уюштири билди. Яқинда совхоз-нинг ёш талантлари ишчиларга би-ринчи концертни кўрсатди. Иш-чилар ёшлардан хурсанд бўлишди.

А. ИСМОИЛОВ.

Афғонистон артист-лари Тошкентда

20 июнда Афғонистон ашулчилари ва созандаларининг бир группаси Тошкентга келди.

Дўстона давлатдан келган меҳ-монлар республика пойтахтида ва Самарқандда иккита концерт қўйиб берадилар. Концерт программасига Афғонистон қўшиқлари ва музика-си, шунингдех ўзбек ва тожик халқ-ларининг санъат асарлари киритил-ган.

Афғонистон санъат усталари деле-гациясига Кобийдаг «Пуана Пенда-ри» драма театрининг директори Лутифий ва машҳур афғон ашулчи-си Хил бошчилик қилмоқдалар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИНГ ТАКОҶА ЗАРАРИГА

НАВОНИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 22/VI да Жинзель, 23/VI да Тра-вната.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР-ДА (қишқи бино) — 22/VI да Нурхон, 23/VI да Раппан ва Зул-хумор.

Мари-Октябрь — «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «СПУТНИК» (2-зал-да), «ВАТАН» (кундуз ва кечқу-рун), КАФАНОВ номи (кеч соат 9 ва 11 да), СТЕПАН РАЗИН номи (кеч 9 да).

Уйқулиш тун — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (ёғин, кеч соат 9-10 минут ва 10-50 минутта), ТЕЛЬМАН номи (кеч 9 ва 10-50 минутта), ПУШКИН номи (кеч 9 ва 10-50 минутта), «УДАРНИК» (кеч 9-15 минут ва 11 да), «МИР» (эрталаб 10, кундуз 12 ва кеч 8 да).

«181» жанов бермайд — НА-ВОИЙ номи (ёғин, кеч соат 9-20 минут ва 11 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 11 да).

Рассодия — «ИСКРА» (3-зал-да), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Чироқ ёниши керак — «СПУТ-НИК» (1-залда кундуз соат 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

Қилч ва гул — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Қизлар баҳори — «ФЕСТИ-ВАЛЬ» (кеч соат 9 да).

Стадионда урпашамиз (ўзбек тилида) — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9 ва 10-40 минутта).

Кўк ўқ — СТЕПАН РАЗИН номи (кеч соат 11 да).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„САВОҚЛАР КОР ҚИЛМАГАЧ“

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 30 март сониде босилган мақолада 159-қурилиш трестининг айрим қу-рилиш участкалари ишдаги жи-дий намчиликлар танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш минис-трининг ўринбосари ўртоқ Х. Носи-ровнинг редакцияга маълум қили-шича, мақола мутлақо тўғри ва асо-ли деб топилиб. 159-қурилиш трес-тининг 1959 йил ҳаида шу йил-нинг 1 кварталидеги иш фаолияти министриликнинг коллегия мамлиси-да муҳокама қилинган ва мақолада келтирилган фактларни ҳисобга олиб, трестнинг ишда йўл қўйил-ган камчиликларни бартараф қи-лишга қаратилган кенгайтирилган қарор қабул қилинган.

Мақола ва министрлик коллегия-сининг қарори қурилиш трести ва унга қарашли қурилиш бошқармала-ри раҳбар ҳодимларининг кенгаши-да ҳам ишлаб чиқилган.

Чора кўрилди

Калинин район меҳнаткашлари-дан келган бир хатда Тошкент-Келес маршрутида қатнайдиган ЕХ—69—55 номерли автобуснинг шофери Содиқов нондунор йўлиги-дан фойдаланиб, йўловчилардан пул олиб билет йиртиб бермагани тўғ-рисида шикоят қилинган эди.

Редакциянинг текшириш ва чора кўриш учун юборган бу хатига Тош-кент шаҳар автотрести бошқаруви-сининг ўринбосари ўртоқ Ниршен-бергнинг жавоб беришича кўрсати-лган фактлар тасдиқланган. Хатни 2-автотар жамоатчилиги муҳокама қилган, шофер Содиқовга билет со-тиш қоидаларини бузгани учун ви-говор зълон қилинган.

Живизор Украинада

22 ИЮНЬ

19.30. Уқувчилар учун ўз-бен тилида «Пионер босқич-лари» деган эшиттириш.

20.00. Сўнги ахборот.

20.20. Ёш ижрочилар кон-церти.

20.50. Саноат ҳодимлари учун рус тилида «КПСС Мар-казий Комитети Пленуми ол-дидан» деган эшиттириш.

21.10. Венгер бадий филь-ми — «Чегарага қадам қўйй деганда».

23 ИЮНДА

19.30. Уқувчилар учун рус тилида «Пионер лагериде» де-ган эшиттириш.

19.50. Сўнги ахборот.

20.10. Саноат ҳодимлари учун ўзбек тилида «КПСС Марказий Комитети Пленуми ол-дидан» деган эшиттириш.

20.30. Киниононал.

20.40. Инглиз бадий филь-ми — «Кўчадан келган фарёда».

Редактор: З. ЕСЕНБОВЕВ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 22 июнда

АФГОНИСТОН АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

Кобил радиоси солистлари